



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ,
ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МАВҚЕИ
ВА ТАШҚИ ҚАРЗИ**

2024

ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ

Бу қандай
нашр?

Ушбу нашр 2024 йил учун Ўзбекистон тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича маълумотларни ўз ичига олиб, Халқаро валюта жамғармасининг “Тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқе бўйича қўлланмаси”нинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) ҳамда “Ташқи қарз статистикаси бўйича қўлланма”га (2013) мувофиқ тайёрланган.

Маълумотлар
қайси санага
долзарб?

Ушбу нашрда келтирилган статистик маълумотлар 2025 йил 29 март ҳолатига долзарб ҳисобланади.

Маълумотларни
қаердан олиш
мумкин?

Тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича таҳлилий ва стандарт кўринишдаги статистик жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг <http://www.cbu.uz/> ва ХВЖнинг <http://data.imf.org/> веб-сайтлари орқали тақдим қилинмоқда.

Нашрга
тааллукли
савол ва
таклифлар
бўйича қандай
мурожаат қилиш
мумкин?

О.О. Тожиддинов

Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаменти директори

(+998) 71 212-60-38

o.tojiddinov@cbu.uz

Ш.Х. Хайитбоев

Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи ўринbosari

(+998) 71 212-60-42

sh.khayitboev@cbu.uz

Шунингдек, саволлар ва таклифлар қўшимча равишда val@cbu.uz электрон почта манзилига юборилиши мумкин.


ҚИСҚАЧА ШАРХ

2024 йилда Ўзбекистон тўлов баланси кўрсаткичлари жаҳонда асосий экспорт хомашё маҳсулотлари нархларининг ўзгариши, глобал молиявий шароитларнинг юмшатилиш фазасига ўтиши, асосий савдо ҳамкор мамлакатлар валюта курсларидаги тебранишлар ҳамда меҳнат миграцияси йўналишида кузатилган ижобий тенденциялар каби **ташқи омиллар**, шунингдек мамлакатда юқори даражадаги иқтисодий фаоллик, хизмат кўрсатиш соҳасида экспорт салоҳиятининг ошиши, ҳукумат томонидан фискал тақчилликни камайтириш билан боғлиқ режаларнинг амалга оширилиши сингари **ички омиллар** таъсирида шаклланди.

2024 йилда **жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги 5,7 млрд долларни ташкил қилди** (2023 йилда 7,8 млрд долл). Бунга савдо баланси манфий сальдосининг бироз камайиши билан бирга иккиласмачи даромадлар компоненти бўйича келиб тушган жорий трансферлар ҳажмининг сезиларли даражада кўпайиши таъсир кўрсатди.

Жумладан, экспортнинг импортга нисбатан юқорироқ суръатларда ўсиши натижасида, **савдо балансининг манфий сальдоси** (17,4 млрд долл) деярли 2023 йил даражасида сақланиб қолди. ([1-диаграмма](#)).

1-диаграмма



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

2024 йилда халқаро бозорларда хомашё нархларининг ўзгариши ва норезидентларга кўрсатилган хизматлар ҳажмининг кўпайиши натижасида, **жами экспорт ҳажми 2023 йилга нисбатан 4,5 фоизга ўсиб, 26,2 млрд долларни ташкил қилди (олтинсиз – 18,7 млрд долл, ўсиш 11 фоиз).**

Асосий экспорт хомашё маҳсулотларининг жаҳон нархлари таҳлилига кўра, 2024 йил давомида олтиннинг ўртача нархи 2023 йил кўрсаткичига нисбатан 23 фоизга, кумуш нархи 21 фоизга, мис нархи 8 фоизга ҳамда уран нархи 42 фоизга ўсан бўлса, тўқимачилик саноатининг асосий хомашёси – пахтанинг жаҳон нархи 9 фоизга пасайган. (2-диаграмма).

2024 йилда жами импорт ҳажми 2023 йилга нисбатан 2,3 фоизга кўпайиб, 43,6 млрд долларга етди. Бу 2023 йилда айрим турдаги товарларнинг бир марталик йирик импорти 2024 йил давомида сезиларли даражада қисқаргани билан изоҳланади. Шунга қарамай, мамлакатда инвестициявий фаоллик ва ички истеъмол талаби юқори даражада сақланиб қолиши шароитида хориждан энергоресурслар, машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотларининг келтирилиши давом этди.

2024 йилда меҳнат муҳожирлари ишлайдиган анъанавий мамлакатларда ишли кучига талаб ошиши натижасида иш ҳақи миқдорининг ўсиши ҳамда меҳнат миграцияси географиясининг диверсификацияси каби ижобий тенденциялар бирламчи ва иккиласмчи даромадлар компонентлари бўйича тушумларнинг кўпайишига хизмат қилди. Ўз навбатида, норезидентларнинг инвестиция даромадлари ошиши харажатларни кўпайтирувчи омиллардан бўлди.¹

Натижада, **бирламчи ва иккиласмчи даромадлар баланси** мусбат сальдо билан шаклланиб, мос равишда 1,1 млрд ва 10,6 млрд долларни ташкил этган ҳолда савдо баланси тақчиллигини қисман қоплади.


Жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги молиявий ҳисоб бўйича капитал тушумлар, хусусан, тўғридан-тўғри, портфель инвестициялар ва бошқа манбалар жалб қилиниши ҳисобига молиялаштирилди.

¹ Трансчегаравий пул ўтказмалари тўғрисида батафсил маълумотлар Марказий банк веб-сайтида эълон қилинган 2024 йил учун “Жисмоний шахсларнинг валюта операциялари бўйича қисқача шарх”дан олиниши мумкин.

2-диаграмма

Жаҳон хомашё нархлари индекси

(2022 й. 1 январь = 100%)




Манба: Жаҳон банки ва ХВЖ маълумотлари асосида
Марказий банк ҳисоб-китоблари

Жумладан, 2024 йил давомида мамлакатга **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф киритилиши**² 2023 йилга нисбатан 32 фоизга ўсиб, 2,8 млрд долларга тенг бўлди.

Портфель инвестицияларнинг соф жалб қилиниши асосан халқаро облигациялар билан боғлиқ операциялар ҳисобига 3,1 баробарга кўпайиб, 3,1 млрд долларни ташкил қилди.

Юқоридаги таркибий омиллар ҳисобига 2024 йил якунини бўйича **молиявий ҳисоб** манфий сальдоси **7,4 млрд** долларни ташкил этди. (3-диаграмма).

3-диаграмма



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ҳисобот даврида **халқаро захира активларининг хорижий валютадаги қисми** 734 млн долларга қисқариши кузатилди. Бироқ, олтин жаҳон нархининг юқори суръатларда ўсиши натижасида халқаро захиралар қолдиги 2024 йил бошига нисбатан қарийб 6,6 млрд долларга кўпайиб, 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига **41,2 млрд** долларни ташкил қилди.


2024 йил якунига кўра, тўлов балансида акс этган амалиётлар ва нооперациявий ўзгаришлар таъсирида Ўзбекистоннинг **соф халқаро инвестициявий мавқеи** жорий йил бошига нисбатан **11 фоизга** мустаҳкамланиб, 2025 йил 1 январь ҳолатига **13,7 млрд** долларга етди.

² Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича маълумотлар Халқаро валюта жамғармасининг қўлланмасига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) мувофиқ соф ҳажмларда (*инвестиция киритилиши ва репатриацияси ўртасидаги сальдо*) акс эттирилади.

Бунда, резидентларнинг чет эл валютасидаги активлари ҳажми 11,8 млрд долларга (ҳисобот йили бошига нисбатан ўсиш 14 фоиз) ошган бўлса, ташқи мажбуриятлари ҳажми 10,4 млрд долларга (ўсиш 14 фоиз) кўпайди.

Ҳисобот даври якунига кўра, **умумий ташқи қарз ҳажми 64,1 млрд долларни (ЯИМга нисбатан 55,7 фоиз)** ташкил қилиб, шундан давлат ташқи қарзи ҳажми қарийб 33,9 млрд доллар³ (ЯИМга нисбатан 29,5 фоиз) ҳамда корпоратив ташқи қарз ҳажми 30,2 млрд долларга тенг бўлди. (4-диаграмма).

4-диаграмма



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

³ ХВЖнинг ТБҚ 6-сон қўлланмасига мувофиқ давлат ташқи қарзи қолдиғи ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизларни ҳам ўз ичига олади.

2025 ЙИЛ УЧУН КУТИЛМАЛАР

2024 йил учун Ўзбекистон ташқи сектор статистикасининг якуний кўрсаткичлари, мамлакатимиз ва унинг асосий савдо ҳамкорларида жорий ва кейинги йиллардаги иқтисодий ўсиш суръатлари, халқаро молия ва товархомашё бозорлари конъюнктураси, меҳнат ва капитал миграцияси, ташқи савдо ва логистика соҳаларидағи ўзгаришлар динамикаси бўйича эксперталарнинг кутилма ва баҳолашларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси тўлов балансининг 2025 йил учун **асосий ва муқобил сценарийларда** прогноз кўрсаткичлари шакллантирилди⁴.

I. Асосий сценарий

Ўзбекистоннинг экспорт товарлари учун ташқи ялпи талабнинг шаклланиши асосий савдо ҳамкор мамлакатлардаги иқтисодий фаоллик даражаси, ташқи савдодаги фрагментация жараёнлари ҳамда жаҳон иқтисодиётида вужудга келган ноаниқликларнинг давом этишига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Жорий йилнинг январь ойидаги Халқаро валюта жамғармаси томонидан жаҳон мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларида иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича прогнозлар қайта кўриб чиқилган.

Жумладан, Халқаро валюта жамғармасига кўра, 2025 йилда Хитой иқтисодиёти 4,6 фоизга (2024 й. 4,8%), Россия 1,4 фоизга (2024 й. 3,8%), Туркия 2,6 фоизга (2024 й. 2,8%) ва Қозоғистон 5,5 фоизга (2024 й. 4%) ўсиши мумкин⁵.

Ўзбекистоннинг асосий экспорт хомашё маҳсулотларининг жаҳон нархлари бўйича ижобий кутилмалар сақланиб қолмоқда. Хусусан, жорий йилнинг дастлабки ойларида АҚШнинг савдо сиёсати, геосиёсий вазият ва глобал молиявий шароитлар билан боғлиқ ноаниқликлар фонида 1 тр. унция олтиннинг нархи биринчи маротаба 3 000 доллардан юқори шаклланди. Макроиқтисодий ноаниқликлар ҳамда халқаро бозорларда олтинга бўлган талаб юқорилиги олтин нархининг йил сўнгигига қадар юқори нархларда сақланиб қолиши прогноз қилинмоқда⁶.

Кумуш ва мис нархларининг ўтган йилги ижобий ўсиш тренди 2025 йил давомида ҳам сақланиб қолиши бўйича кутилмалар мавжуд⁷. Жорий йилнинг дастлабки икки ойида мазкур металларнинг нархи йил бошига нисбатан мос равишда 4,5 фоиз ва 4,6 фоизга ўсди.

⁴ 2025 йил давомида ички ва ташқи омилларнинг ривожланишини ҳамда иқтисодий кутилмаларнинг ўзгаришидан келиб чиқиб, прогноз кўрсаткичлар қайта кўриб чиқиб борилади.

⁵ Жаҳон иқтисодий истиқболлари, ХВЖ, 2025 й. январь.

⁶ Олтин бозори шарҳи, Жаҳон олтин уюшмаси, 2025 й. февраль.

⁷ Хомашё бозорлари истиқболлари, Жаҳон банки, 2024 й. октябрь.

2025 йилда туризм, транспорт ва логистика ҳамда коммуникация, компьютер ва ахборот технологиялари (IT) соҳаси хизматлар экспортининг асосий драйверлари сифатида сақланиб қолиши, шуниндек, мазкур соҳаларда испоҳотларнинг давом этирилиши натижасида норезидентларга хизмат кўрсатиш кўлами ошиши кутилмоқда.

Юқорида келтирилган омиллар таъсирида 2025 йилда **жами экспорт ҳажми ўтган йилга нисбатан 10-12 фоизга ўсиши** прогноз қилинмоқда.

Жорий йилда юқори инвестициявий фаоллик ва ички истеъмол талаби импорт динамикасини беғиловчи омиллардан бўлади. Ўзбекистон иқтисодиёти реал ҳисобда 5,5-6 фоизга ва якуний истеъмол харажатлари 5-6 фоизга ўсиши кутилмоқда⁸.

Мазкур жараёнлар ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича инвестиция дастурлари доирасида минерал маҳсулотлар, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, машина, ускуна ва механизmlар ҳамда бошқа хомашёлар импортининг ўсишида намоён бўлиши мумкин.

Шунингдек, Ҳукуматнинг фискал тақчилликни камайтириш бўйича режаларини инобатга олиб, 2025 йилда **жами импорт ҳажми ўтган йилга нисбатан 8-10 фоизга ўсиши** кутилмоқда.

2025 йил давомида аксарият меҳнат муҳожирларни қабул қилувчи мамлакатларда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари кутилмаларга нисбатан пастроқ шаклланиши ва меҳнат миграцияси сиёсатининг қатъиylаштирилиши мумкин бўлса-да, ишчи кучига талаб ва иш ҳақларининг юқори даражада сақланиб қолиши меҳнат муҳожирлари даромадларининг ошишини рағбатлантириши мумкин.

Шунингдек, ҳукуматлараро келишувлар доирасида меҳнат муҳожирларини ривожланган мамлакатларга юбориш борасида тизимли ишлар амалга оширилиши давом этишини инобатга олиб, Ўзбекистонга **халқаро пул ўтказмалари ҳажми 10-15 фоизга ўсиши** кутилмоқда.

Ўтган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб глобал молиявий шароитларни босқичма-босқич юмшатиб бориш фазасига ўтилди. Натижада, жорий йилда халқаро молиявий бозорларда фоиз ставкаларининг ўтган йилга нисбатан пастроқ шаклланиши (*SOFR ставкаси ўртача 5,3 фоиздан 4,3 фоизга пасайган*) норезидентлардан сузувчан фоиз ставкаларда жалб қилинган кредитлар ва қарзларга хизмат кўрсатиш ҳамда янги қарздорликлар жалб қилиш харажатларининг камайишига хизмат қилиши мумкин.

2025 йилда савдо баланси манфий сальдосини қоплашга хизмат қилувчи **бирламчи ва иккиламчи даромадлар** компонентининг ижобий сальдоси ўтган йилга нисбатан 4-6 фоизга кўпайиши тахмин қилинмоқда.

Юқоридаги ички ва ташқи омиллар таъсирида, **2025 йил** якуни билан тўлов баланси **жорий операциялари ҳисобининг** манфий сальдоси **ЯИМнинг 5-6 фоизи атрофида** бўлиши прогноз қилинмоқда.

⁸ 2024 йил IV чорак учун Пул-кредит сиёсати шарҳи. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нашри, 2025 йил.

2025 йилда жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги асосан **хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларнинг соф киритилиши** (энергетика, тог-кон, машинасозлик, кимё саноати, тўқимачилик, банк-молия ва бошқа соҳаларга киритилиши кутилаётган сармоялар ҳисобига ўртacha 2022-2024 йиллар даражасида бўлиши), **портфель инвестициялар** (халқаро капитал бозорларида янги евробондлар жойлаштирилиши) ва **ташқи қарз маблағлари** жалб қилиниши ҳисобига молиялаштирилиши кутилмоқда.

II. Муқобил сценарий

Асосий сценарийдан фарқли ўлароқ, муқобил сценарийда 2025 йил якуни билан тўлов балансининг **жорий операциялари ҳисоби ЯИМнинг 6-7 фоизига тенг манфий сальдо** билан шаклланиши тахмин қилинмоқда.

Муқобил сценарийда, тўлов баланси кўрсаткичларининг шаклланишига қўйидаги **омиллар** таъсир қилиши мумкин:

1. Геосиёсий вазиятнинг кескинлашиши, ташқи савдода фрагментация жараёнларининг кучайиши ва мамлакатлар томонидан кенг миқёсда протекционизм сиёсатининг қўлланилиши ҳамда маҳсулот етказиб бериш занжиридаги узилишлар оқибатида Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларида иқтисодий фаолликнинг кутилмаларга нисбатан паст даражада бўлиши ва ялпи талабнинг қисқариши;

2. Халқаро бозорларда Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари (*рангли ва рангсиз металлар, тўқимачилик саноати хомашёлари, озиқ-овқат маҳсулотлари*) нархларининг пасайиши;

3. Глобал инфляцион жараёнлар кучайиши фонида пул-кредит шароитларининг қатъий даражада сақланиб қолиши натижасида ташқи қарз маблағларига хизмат кўрсатиш харажатларининг ортиши ва хорижий инвестициялар оқимининг камайиши;

4. Санкцияларнинг кучайтирилиши оқибатида меҳнат муҳожирларини қабул қилувчи анъанавий мамлакатларнинг тўлов тизимларидағи узилишлар ва валюта курсларидаги юқори тебранишларнинг кузатилиши ҳамда меҳнат миграцияси сиёсатининг қатъийлаштирилиши оқибатида ишчи кучи таклифининг қисқариши ортидан трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмининг камайиши;

5. Ўзбекистонда иқтисодий фаолликнинг маълум даражада пасайиши ва аҳоли реал даромадларининг мақбуллашиши натижасида импорт товар ва хизматларига талабнинг камайиши.

Марказий банк Ўзбекистон тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ва ташқи қарз кўрсаткичларини шакллантириш доирасидаги ҳамкорлик учун тегишили вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

1-илова. 2022-2024 йиллар учун тўлов баланси
(таҳлилий кўриниши)

(млн доллар)

Кўрсаткичлар	2022 йил	2023 йил	2024 йил
А. Жорий операциялар ҳисоби сальдоси	-2 846,7	-7 799,4	-5 737,9
Товарлар, кредит (экспорт)	16 649,2	19 616,6	19 626,1
Товарлар, дебет (импорт)	28 309,2	34 475,6	33 160,0
Хизматлар, кредит (экспорт)	4 316,6	5 433,0	6 547,1
Хизматлар, дебет (импорт)	7 334,2	8 170,8	10 464,2
<i>Савдо баланси сальдоси</i>	<i>-14 677,5</i>	<i>-17 596,9</i>	<i>-17 451,0</i>
Бирламчи даромадлар, кредит	4 321,4	5 317,6	5 667,4
Бирламчи даромадлар, дебет	3 307,8	4 325,3	4 532,6
<i>Савдо баланси ва бирламчи даромадлар сальдоси</i>	<i>-13 663,8</i>	<i>-16 604,5</i>	<i>-16 316,2</i>
Иккиласми даромадлар, кредит	11 684,6	9 685,4	11 603,7
Иккиласми даромадлар, дебет	867,5	880,2	1 025,4
В. Капитал операциялари ҳисоби (олтин-валюта захираларидан ташқари)	22,2	8,4	8,3
Капитал операциялар ҳисоби, кредит	22,2	8,4	8,3
Капитал операциялар ҳисоби, дебет	0,0	0,0	0,0
<i>Жорий операциялар ҳисоби ва капитал операциялар ҳисоби сальдоси</i>	<i>-2 824,4</i>	<i>-7 790,9</i>	<i>-5 729,6</i>
С. Молиявий ҳисоб (захира активларидан ташқари)	-480,3	-6 681,4	-6 803,7
Тўғридан тўғри инвестициялар, активлар	4,1	11,7	36,7
Тўғридан тўғри инвестициялар, мажбуриятлар	2 657,4	2 156,4	2 836,1
Портфель инвестициялар, активлар	0,0	0,5	0,3
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,0	0,5	0,3
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0
Портфель инвестициялар, мажбуриятлар	27,3	994,8	3 121,3
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	25,6	23,2	-4,5
Қарз инструментлари	1,8	971,6	3 125,8
Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари)	9,9	1,6	0,0
Ҳосилавий молиявий инструментлар, активлар	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молиявий инструментлар, мажбуриятлар	-9,9	-1,6	0,0

Кўрсаткичлар	2022 йил	2023 йил	2024 йил
Бошқа инвестициялар, активлар	11 264,2	3 955,7	5 728,2
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,4	0,4	5,0
Қарз инструментлари	11 263,8	3 955,3	5 723,2
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	1 645,8	-1 206,2	897,9
Давлат бошқарув сектори	-21,1	-18,1	-15,3
Бошқа секторлар	9 639,2	5 179,6	4 840,5
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	9 639,2	5 179,6	4 840,5
Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар	9 073,7	7 499,8	6 611,5
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,0	0,0	0,0
МҚҲ тақсимланиши	4,8	2,4	-1,4
Қарз инструментлари	9 069,0	7 497,4	6 612,9
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	3 860,9	942,0	787,0
Давлат бошқарув сектори	3 134,2	3 421,5	4 606,7
Бошқа секторлар	2 073,9	3 134,0	1 219,2
Бошқа молиявий ташкилотлар	29,5	14,4	8,3
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	2 044,4	3 119,6	1 210,9
D. Соф хатолар ва йўқотишлар	1 020,0	-1 581,4	-1 685,4
E. Умумий баланс	1 324,2	2 690,9	611,4
F. Захиралар ва улар билан боғлиқ моддалар	-1 324,2	-2 690,9	-611,4
Захира активлари	-1 323,0	-2 751,8	-734,3
ХВЖдан соф қарз жалб қилиш (ХВЖдаги захира позициясидан ташқари)	1,1	-60,9	-122,9
Бошқа молиялаштириш	0,0	0,0	0,0

Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) 6-наширида келтирилган таҳлилий кўринишни акс эттиради.

**2-илова. 2022-2024 йиллар учун халқаро инвестициявий мавқе
(таҳлилий кўриниши)**

Кўрсаткичлар	(млн доллар)		
	01.01.2023й.	01.01.2024й.	01.01.2025й.
Активлар	82 293,7	84 883,5	96 672,8
Тўғридан-тўғри инвестициялар	202,0	209,9	243,6
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	31,6	37,1	68,9
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	31,6	37,1	68,9
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	170,3	172,8	174,7
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	2,5	2,5	2,5
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестиацияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	167,9	170,4	172,2
Портфель инвестициялар	2,5	2,9	3,1
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	2,5	2,9	3,1
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	1,1	1,1	1,1
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	1,4	1,8	2,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Қарз қимматли қоғозлари	0,0	0,0	0,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	0,0	0,0	0,0
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	0,0	0,0	0,0

Кўрсаткичлар	01.01.2023й.	01.01.2024й.	01.01.2025й.
Бошқа инвестициялар	46 321,6	50 106,0	55 244,5
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	1,6	2,0	7,0
Қарз инструментлари	46 320,0	50 104,0	55 237,4
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	4 556,9	3 242,7	4 061,9
Давлат бошқаруви сектори	3,7	4,8	2,8
Бошқа секторлар	41 759,4	46 856,4	51 172,8
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Захира активлари	35 767,5	34 564,6	41 181,6
Монетар олтин	23 064,8	24 632,2	32 036,7
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари	1 057,3	563,0	547,3
ХВЖдаги захира позицияси	0,0	0,0	0,0
Бошқа захира активлари	11 645,4	9 369,5	8 597,7
Мажбуриятлар	63 337,0	72 582,3	82 988,4
Тўғридан-тўғри инвестициялар	13 844,7	14 866,9	16 727,7
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	11 363,5	11 356,8	12 185,7
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	11 363,5	11 356,8	12 185,7
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	2 481,2	3 510,1	4 542,1
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	2 250,3	3 217,4	4 090,2
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестиацияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	230,9	292,7	451,8
Портфель инвестициялар	4 192,3	5 295,5	8 429,0
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	105,8	123,7	116,7
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	48,4	57,5	75,1
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0

Кўрсаткичлар	01.01.2023й.	01.01.2024й.	01.01.2025й.
Бошқа секторлар	57,4	66,3	41,7
Бошқа молиявий ташкилотлар	1,3	1,7	1,3
Қарз қимматли қоғозлари	4 086,5	5 171,8	8 312,3
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	893,9	1 027,7	2 340,4
Давлат бошқаруви сектори	2 375,2	3 284,9	4 050,5
Бошқа секторлар	817,3	859,2	1 921,4
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	2,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар	45 298,1	52 419,9	57 831,6
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0
Қарз олишларнинг маҳсус ҳукуклари (мажбуриятларни соғ қабул қилиш)	1 057,6	1 068,8	1 037,4
Бошқа қарз инструментлари	44 240,4	51 351,2	56 794,2
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	10 439,7	11 315,8	11 801,3
Давлат бошқаруви сектори	18 007,8	21 353,4	25 346,5
Бошқа секторлар	15 793,0	18 682,0	19 646,4
Бошқа молиявий ташкилотлар	105,1	114,1	119,3
Соф ҳалқаро инвестициявий мавқе	18 956,7	12 301,2	13 684,4

3-илова. Ўзбекистон ташқи секторининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2020	2021	2022	2023	2024
Жорий операциялар ҳисоби сальдоси (млрд долл)	-3,0	-4,9	-2,8	-7,8	-5,7
ЯИМга нисбатан %да	-4,6%	-6,3%	-3,2%	-7,6%	-5,0%
Товар ва хизматлар экспорти (млрд долл)	14,5	16,4	21,0	25,0	26,2
ЯИМга нисбатан %да	21,9%	21,3%	23,3%	24,4%	22,8%
Товар ва хизматлар импорти (млрд долл)	22,6	27,9	35,6	42,6	43,6
ЯИМга нисбатан %да	34,1%	36,1%	39,6%	41,6%	37,9%
Савдо баланси сальдоси (млрд долл)	-8,1	-11,5	-14,7	-17,6	-17,4
ЯИМга нисбатан %да	-12,2%	-14,9%	-16,3%	-17,1%	-15,2%
Бирламчи ва иккиламчи даромадлар сальдоси (млрд долл)	5,1	6,6	11,8	9,8	11,7
ЯИМга нисбатан %да	7,6%	8,5%	13,1%	9,5%	10,2%
Молиявий ҳисоб сальдоси (млрд долл)	-4,1	-6,4	-1,8	-9,4	-7,4
ЯИМга нисбатан %да	-6,2%	-8,3%	-2,0%	-9,1%	-6,5%
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (соф - оқим, млрд долл)	1,7	2,3	2,7	2,1	2,8
ЯИМга нисбатан %да	2,6%	2,9%	2,9%	2,1%	2,4%
Портфель хорижий инвестициялар (соф - оқим, млрд долл)	1,4	2,0	0,03	1,0	3,1
ЯИМга нисбатан %да	2,1%	2,6%	0,03%	1,0%	2,7%
Халқаро захиралар қолдиги (млрд долл, давр охирига)	34,9	35,1	35,8	34,6	41,2
ЯИМга нисбатан %да	52,5%	45,4%	39,7%	33,7%	35,8%
Соф халқаро инвестициявий мавқе (млрд долл, давр охирига)	20,3	17,1	19,0	12,3	13,7
ЯИМга нисбатан %да	30,5%	22,1%	21,0%	12,0%	11,9%
Умумий ташқи қарз қолдиги (млрд долл, давр охирига)	33,8	39,4	43,5	53,3	64,1
ЯИМга нисбатан %да	50,9%	51,0%	48,3%	51,9%	55,7%
ЯИМ жорий нархларда (млрд долл, давр охирига)	66,4	77,3	90,1	102,6	115,0